O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 37 (9.840) / 2003 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ

Ислоҳотлар самарадорлиги — бош омил

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2002 йилда пойтахтнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан маъруза қилган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Нодир Ханов ўтган йил якунлари таҳлили борасида асосий эътиборни эришилган кўрсаткичларни таққослаш билан бир қаторда, иқтисодий ислоҳотлар сифати ва самараси якуний натижаларига таъсир кўрсатган иқтисодиётнинг аксарият соҳа ва тармоқларига хос мавжуд муаммо ва камчиликларга қаратди.

Чунончи, ҳисобот даврида иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида 705 та объект хусусийлаштирилди. Натижада 10 та акциядорлик жамиятлари ташкил этиб, 483 та объект хусусий мулк, 212 таси бошқа ташкилий-ҳуқуқий мулк шаклларига ўтказилди. Бу кўрсаткич 2001 йилга нисбатан 10,2 баробарга кўпдир. Шу билан бирга кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш борасида алоҳида эътибор кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича чоратадбирларга қаратилди. Ҳисобот йилида пойтахтда 3295 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, улар ҳисобига 22,7 минг ишчи ўрни очилди. Бу секторнинг ҳудудий ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 45,1 фоизга тенг бўлди.

Умуман эса 2002 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,05 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, бунда ўсиш суръати 2,6 фоизга тенг бўлди. 17,7 фоизга саноат маҳсулотлари, 33,1 фоизга — халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан юқорилагани кузатилди.

Давлат даромадлари тўрт фоизга, маҳаллий бюджет даромадлари 2,4 фоизга, туманлар маҳаллий бюджети — 1,8 фоизга кўп бўлди.

Ушбу даврда иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар 258,6 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, шундан 21 фоиздан ортиғини хорижий сармоялар ташкил этди. 2001 йилга нисбатан корхоналар улуши 94,1 фоизга ошди.

Аммо, маърузачи таъкидлаб ўтганидек, амалга оширилган ижобий ишлар, ҳаракатларга қарамасдан, ҳозирги кун талаб ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳали талаб даражасига жавоб бермайди, ислоҳотлар изчиллигига ҳануз тўсиқ бўлаётган муаммолар етарлича топилади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳам ушбу йўналишдаги қатор омилларга эътибор қаратилиб, бугунги кунда кўплаб корхоналар бозор шароити ва талабларига ўта секинлик билан мослашаётгани, аксарият раҳбарлар инвестициялар жалб этиш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, янги харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш масалалари билан жиддий шуғулланмаётгани танқид остига олинганди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Адлия Вазирлигида ўтказилган «Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: бугун ва келажак» мавзусидаги халқаро анжуман Президентимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасидаги устувор йўналишлардан бири — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Фарғона вилояти фаолларининг йил якунларига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раёсатининг кенгайтирилган мажлисида «Обод маҳалла йили» дастури ижросини таъминлаш ва амалга ошириш йўл-йўриқлари ҳамда жорий йилнинг энг долзарб вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Андижон вилоят ҳокимлигида ўтказилган анжуман ГФРнинг мамлакатимиз, хусусан Андижон вилоятига тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлик лойиҳасини амалга оширишга бағишланди.

● Самарқанд шаҳридаги Сиёб тумани фаоллари Наврўз байрамига қадар ҳар бир фуқаро ўн туплан дарахт ва гул кўчати ўтказиши ташаббуси билан чиқдилар.

Жаҳонда

● «Новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Россия Президенти Владимир Путин ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе телефон орқали боғланиб, мартнинг биринчи ярмида учрашишга келишиб олдилар.

● Россия саноат, фан ва технология вазири Илья Клебановнинг билдиришича, мамлакатда янги мотификациядаги «Ил—76» юк самолётлари ишлаб чиқарилади. Самолёт бутловчи қисмларининг 80 фоизи Россия корхоналарида тайёрланаётганига қарамай, улар Тошкентда йиғилмоқда.

● Покистон пойтахти Исломободда мамлакат шимолида «Фоккер-27» самолётининг қулаши оқибатида ҳалок бўлганлар билан видолашув маросими бўлиб ўтди.

● Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида қор кўчиши оқибатида 6 киши ҳалок бўлди. Бироқ об-ҳавонинг ёмонлиги натижасида қидирув ишлари вақтинчалик тўхтатилган.

Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

❒ **ЎЗБЕКИСТОН** ва Россия пойтахт шаҳарлари ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномаси доирасида **бугун** халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим вакилларидан иборат делегация Москва шаҳрига жўнаб кетди. Ташриф чоғида таълим соҳасида кадрлар малакасини ошириш, ўқув-услубий қўлланмалар нашрида амалий қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратилади.

❒ **ОНАЛАР** ва болаларда учрайдиган касалликларга аниқ ташхис қўйиш мақсадида республика скрининг марказига замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. Дарвоқе, ушбу марказ шифокорлари АҚШ, Жанубий Корея шифохоналарида малака ошириб келганлар.

❒ **ТОШКЕНТ** автомобиль ва йўллар коллежида Обод маҳалла йили муносабати билан «Маҳалла, оила, қонун» мавзуида ўтказилган тадбирда республика «Маҳалла» жамғармаси вакиллари иштирок этишди.

❒ **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ»** меҳмонхонасида санъат ихлосмандларига пойтахтимизда яшаб ижод этган франциялик рассом ва бастакор Жорж Мушель асарлари кўргазмаси ҳамда концерт намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Республика тоғ чанғиси федерациясининг ўзаро ҳамкорлигида ўтган икки кун давомида хушманзара «Чимён» дам олиш масканида «Тоғ байрами» қизиқарли соғломлаштириш-спорт тадбирлари бўлиб ўтди.



Чимёнда тоғ чанғиси байрами

Шаҳар ҳокимлиги вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши ва «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари, хорижлик меҳмонлар, спортчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокидаги тадбир ҳақиқатан ҳам жуда мароқли ва қизиқарли кечди.

(Давоми 7-бетда)



ДЕМОКРАТИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

12. Бешинчи устувор йўналиш: кучли давлатдан кучли жамият сари

Демократик тузумда давлат вазифалари билан жамият вазифалари ўзаро чегараланади, яъни тақсимланади. Шўро давлати жамиятнинг барча вазифаларини ўз бўйнига олган, шунинг учун тузумда жамиятнинг ўрни ҳам, жамиятда фуқаронинг фаоллиги ҳам чеклаб ташланган эди. Одамларимиз тасаввурида мавжуд давлат ҳақидаги эски қарашлар ҳамон тараққиётимизга халал бериб келяпти. Ҳолбуки, ҳаётнинг бир қисм муаммосини давлат, қолган кўп масаласини жамият ҳал қилиб кетавериши лозим. Лекин собиқ тузум сарқитларидан батамом халос бўлмаган мамлакатимизда аввал ана шу вазифалар тақсимотига эришиб олиш керак.

Шу маънода Президент Ислом Каримов ўртага ташлаган «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган шиор ниҳоятда долзарб вазифа бўлиб турибди.

Фуқаролик жамиятининг муҳим шарти шуки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти тобора ошиши керак. Бу давлат тузилмаларининг мавқеини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади.

Бу ўз-ўзидан амалга ошиб кетаверадиган масала эмас. Биринчи галда давлатнинг хусусий сектор фаолиятига аралашувини камайтириш зарур. Аммо бу иқтисодда, хўжалик юритувчи тузилмалар фаолиятида давлатнинг мутлақо ўрни бўлмайди, дегани эмас.

Бу соҳада давлатнинг вазифаси:

– иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлаш;

– қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий мезонларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

– ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантириш;

– хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун барча зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлмоғи даркор.

Масаланинг бундан ҳам муҳим бир жиҳати бор. Бу давлат ҳокимият идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ. «Адолат – қонун устуворлигида» деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилишга шу тариқа эришилади.

Мамлакатимиз раҳбари маърузасида илгари айтган бир нуқтаи назарини яна бир карра такрорлади: «Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ».

Ҳаётимизни эркинлаштиришга эришиш учун марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлаш лозим.

Бу борада дастлабки қадамлар ташланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Бу ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини кўрсатиб турибди.

Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш доимий эътиборимизда турадиган масалалар сирасига киради.

Юртбошимиз бу борадаги ишларимизни янада такомиллаштириш, ҳаётий мезонга айлантириш учун «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритиш, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уюшмалар тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

13. Олтинчи устувор йўналиш: суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишдаги энг муҳим вазифа – суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур, деди Президент Ислом Каримов. Чунки: «Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар».

Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб ҳақиқий фуқаролик жамияти қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Конституциямизда белгилаб берилган демократик тузум шуни талаб қилади.

Бу соҳада ривожланган демократик давлатлар тажрибаларини ўзлаштириш жуда муҳим.

Давлатимиз раҳбари суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари муносабати масаласига алоҳида диққат-эътибор қаратди. Бунда шу нарса муҳимки, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари жараёнини кенг ёритиб бориш, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва мезонлар оммавий ахборот воситалари томонидан таништириб ва ёритиб борилиши зарур. Даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштиришнинг ҳам аҳамияти катта.

(Давоми келгуси сонда)

Ислоҳотлар самарадорлиги – бош омил

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай манзара пойтахтга ҳам тааллуқли. Айниқса, шаҳар иқтисодиёти ривожига ғов бўлиб турган камчилик ва муаммолар биринчи галда саноатда кўзга ташланади. Саноат маҳсулотлари ҳажми ҳисобот даврида юқорилаган бўлсада, бироқ 112 та корхонада ишлаб чиқариш пасайган, улар томонидан 24,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилган. Буни эса аксарият саноат тармакларига тааллуқли деса бўлади. Қолаверса, бундай ҳолатни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилишида ҳам кузатиш мумкин, хусусан 56 корхона бўйича халқ истеъмоли моллари ҳажми 9,6 миллиард сўмга камайган. Агарда умумлаштирадиган бўлсак, ҳисобот даври мобайнида 125 турдаги товарларнинг натурал кўринишда ишлаб чиқариш камайганлигини кўриш мумкин.

Шу билан бирга тайёр саноат маҳсулотлари меъёридан юқори қолдиқларининг 733,9 миллион сўмни ташкил қилгани бюджетга 6 миллиард сўмга яқин даромад тушмаганидан далолат беради.

Зарар билан ишлаётган корхоналар сони ҳам 101 тага кўпайиб, шулардан 30 фоизи саноат корхоналари ҳисобланади. Умумий зарар ҳажми эса 32,4 миллиард сўмни ташкил қилади. Туманлар миқёсида зарар кўриб ишлаётган корхоналар асосан Мирзо Улуғбек, Миробод, Юнусобод туманларига тўғри келади.

Бу йўналишдаги камчиликлар таҳлили борасида фаоллар йиғилишида «Лак-бўёқ заводи» ҳамда «Тошкентсут» акциядорлик жамиятлари фаолиятига йўл йиллик тажрибага эга «Лак-бўёқ заводи» зараридан фақат 84 миллион сўмга фарқ қилади.

Банкрот ва санация бошқармаси бошлиғи Эркин Каримовнинг маълумотига кўра, хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти мониторинги натижалари бўйича ҳисобот даврида давлат улуши бўлган 80 та корхонада вақтинчалик ёки сурункали иқтисодий ночорлик аломатлари, зарар кўриб ишлаш натижасида 57 та корхона иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган. Умуман ўтган йилда шаҳар хўжалик судида 319 корхона бўйича банкротлик иши очилган ва эътироф этилган бўлса, шулардан 248 тасида банкротлик жараёни тугатилган.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида корхона ва ташкилотларнинг дебитор ва кредитор қарздорлиги ҳам сурункали равишда ошганлиги кузатилган. 2086 корхона ва ташкилотнинг дебитор қарзи 145,7 миллиард сўмни ташкил қилса, 67 та корхонанинг муддати ўтган дебитор қарзи 3,4 миллиард сўмга тенг бўлди. 77 корхонанинг муддати ўтган кредитор қарзи 10,9 миллиард сўмдан иборат бўлиб, 2329 корхонанинг умумий кредитор қарзи 212,8 миллиард сўм билан тақосланади. Ушбу кўрсаткичлар 2002 йилнинг бошига нисбатан мос равишда 98,9 ва 44,9 фоизга ошган.

Йиғилишда бу кўрсаткичлар ўсиб бориши ҳам бозор иқтисодиётига хос оддий тартиб ва талаблар бузилаётгани, ўзаро ҳисоб-китоблар ва шартнома муносабатларининг тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида юзага келгани таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, иш ҳақи бўйича муаммолар такомиллаштирилиб ҳал этилмаётганида тегишли туман комиссиялар фаолияти қониқарсизлигича қолаётганига ҳам урғу берилди. Чунончи, ўтган даврда иш ҳақи бўйича қарздор корхоналар 24 тага камайган бўлса-да, лекин эндиликда 198 корхона ва ташкилотнинг қарзлари 53,7 фоизга ошган — бу эса 4,5 миллиард сўмни ташкил қилади. Ушбу қарздор корхоналар қаторига «Тошқишлоқмаш» акциядорлик жамияти ҳам киради. Унинг 2002 йил август-декабрь ойлари бўйича қарзи 170,6 миллион сўмга тенг бўлган.

Хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятидаги шу каби муаммо ҳамда камчиликлар Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Алишер Каримов томонидан бошқарма бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар борасида ҳам ўз аксини топгани эътироф этилди. Жумладан, шаҳардаги аксарият акциядорлик жамиятларининг 40 фоизи тўлақонли фаолият юритаётган бўлса, 30 фоизга яқини 2001 йил бўйича бир акциядан 32 фоизгача дивиденд ажратган. 391 та акциядорлик жамиятидан фақат 13 тасида 100 фоиздан ортиқ дивиденд тўланган.

«Тошсут» каби зарар кўриб ишлаётган айрим акциядорлик жамиятлари топган фойдасини кредитларини қоплашга йўналтираётган бўлса, хусусийлаштирилган корхоналарнинг 25 фоизи фойдаси маромида бўла туриб, акциядорларга улуши ҳисобига пул тўламаган. Шу жумладан 2002 йил бўйича 813,6 миллион сўм даромад олган «Тошмаргёг» акциядорлик жамияти жамоага фойдадан бир фоиз ҳам маблағ ажратмаган.

Йиғилишда таъкидланганидек, корхоналар ночорлиги, зарар кўриб ишлаши аксарият ҳолларда улар томонидан чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати паст бўлиб харидорлар талаби ўрганилмагани, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан бозор иқтисодиёти шароитига мос равишда фойдаланилмаётгани, истиқболга йўналтирилган аниқ бизнес-режа ишлаб чиқилмагани асосий сабаблардан бўлиб қолмоқда. Шу каби нохуш манзара деярли барча йирик корхоналарга таалуқлидир, жумладан бир пайтлар илғор ҳисобланган «Малика», «Юлдуз», «Қизил тонг», «Тоштўқимачи» акциядорлик жамиятларига ҳам. Маълумки, «Малика» ва «Юлдуз» корхоналари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилишида қаттиқ танқид остига олинганди. Хусусан, Бош прокуратура томонидан тикувчилик саноатига қарашли «Юлдуз» ва «Малика» АЖларида ўтказилган текширувлар натижасида хўжасизлик, мулкни талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш, бино ва дастгоҳларни арзимаган пулга ижарага бериш, ҳисоботга кирмаган яширинча маҳсулот ишлаб чиқариш ва шахсий фойда учун сотиш, нархларни сунъий равишда ошириш каби салбий фактлар аниқланган.

Юзага келган камчиликлар ҳамда қонунбузарликларни инобатга олган ҳолда, фаоллар йиғилишида туман ҳокимликларига юқорида қайд қилинган корхоналар раҳбарлари биргаликда енгил саноат, илғор соҳаси корхоналари олиятининг салоҳияти ва имкониятларини ҳисобга олиб миллаштириш ва изчил қўйиш бўйича маҳсус дастурни ишлаб чиқиш тавсия этилди. Шу борада раҳбарлар акциялик жамиятлари бошқарувсифатида бир нарсани маслиги — эндиликда фақат бир йил муддатга лат олиб ишлаши ҳамда ишини давом эттириши кин ёки мумкин эмаслиги, якуни бўйича берган ҳисобга кўра акциядорлар томонидан ҳал этилиши амалга ошилинади.

Фаоллар йиғилишида чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов содий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига эътиборни қаратиб, борада яна бир муҳим вазифалардан бири — кадрлар тўғри танлаш, тайёрлаш ласига алоҳида аҳамият бериш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи галдаги вазифалар қаторида халқ истеъмоли моллаларини ишлаб чиқаришда ёрдам га келган муаммоларни ҳал этиш борасида амалга ошириладиган ишлар хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан, хозирги тегишли тузилмалар биргаликда туман ҳокимликлари томонидан харидорлар лабини ўрганган ҳолда якуний тиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқилган. Унга асосан шу йилнинг охиригача маҳаллий ва чет эл сармоялари асосида 60 турга яқин янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташлаштирилмоқда.

Йиғилишда шунингдек, «Обод маҳалла йили» дастурининг амалий татбиқ этилиши юзасидан вазифалар белгиланиб олинди. Айтиб ўтиш жоиз, Наврўз арафасида мамлакатимизда ҳашар уюштирилиб, ундан тушган маблағлар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоб рақамига ўтказилиши режалаштирилган. Ўз навбатида бу маблағлар маҳалланинг ободончилиги ва янада ривожланишига йўналтирилади.

Шу билан бирга фаоллар йиғилишида барча тегишли тузилмалар томонидан жорий йилнинг май ойида пойтахтда ўтказилиши режалаштирилаётган сиёсий анжуман — Европа тараққиёт ва тикланиш банкининг йиллик мажлиси олдидан тартиб ёрғарлик ишлари дастурининг фаоллик билан амалга оширилиши зарурияти устида ҳам тўхталиб ўтилди. Зеро, таъкидлаб ўтганидек, ушбу халқаро анжуман муваффақиятли ўтиши нафақат иқтисодиётимизга ривожланиши, балки мамлакатимиз обровонлигига салмоқли ҳисса бўлиши шубҳасиздир.

Фаоллар йиғилиши кун тартибидаги масалалар муҳокамасида шунингдек Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шавкат Қосимов, ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси директори Ғаппор Норматов шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Панжиев сўзга чиқди. Айтиб ўтилган фикр-чиликлар ва таклифларни инобатга олган ҳолда барча кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шаҳар фаоллар йиғилиши Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов иштирок этди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Танловлар

Ғолиб — шаҳар босқичида

Ҳамза туманида ҳам «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ҳамкорликда 27 ёш ва ундан катталар ўртасида нотиқлик санъатига бағишлаб танлов ўтказилди.

Танловда иштирокчилар ўзларининг сўзга чечанлигини мустақиллик, миллий ғоя, мафкура, маънавият, маданият каби тушунчаларни изоҳлашда,ушбу тушунчаларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришда намоён қилди.

Танлов сўнгида ғолиблар аниқланиб ташкилотчиларнинг совғалари билан тақдирланди. Улар шаҳар босқичида қатнашишади.

(Ўз мухбиримиз)

Сиз қонунни биласизми?

Одил фуқаролик жамияти сари қадам қўяётган эканмиз, бунда албатта фуқароларимиздан юқори ҳуқуқий билим ва савия талаб этилади. Айни пайтда бу борада ибратли амалий ишлар йўлга қўйилган.

Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда туман ички ишлар бўлими ҳамкорликда ёшлар ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида кўрик-танлов ўтказилмоқда.

Туманга қарашли барча мактаб ёшлари ўртасида ўтказилаётган ушбу танловда 5та шарт бўйича билимдонлар беллашадилар.

Айни пайтда туманнинг 29-мактабида бўлиб ўтган танловда 278-, 261-, 249-мактаб ўқувчилари гуруҳи ўзаро беллашиб, унда 29-мактабнинг «Адолат» гуруҳи ғолиб деб топилди.

Орзугул РУСТАМОВА

Энг фаол сардор

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Мирзо Улуғбек туман бўлими кенгаши қошидаги «Посбон» маркази сардорлар ўртасида кўрик-танлов ўтказди.

Танлов иштирокчилари тест саволларига жавоб бериб ўз билимларини кўрсатишлари, фаолиятлари ва амалдаги ишлари ҳақида сўзлашлари керак эди. Шунингдек, танлов шартларидан бири «Энг намунали хона» деб номланиб, бунда сардорлар хоналари ҳайъат аъзолари томонидан кўрилиб, унга тегишли баҳо берилди.

Мирзо Улуғбек туман маҳаллалари орасида «Гулистон» маҳалласи сардори Нуриддин Намозов билимли, энг фаол ва намунали сардор сифатида биринчиликни қўлга киритди.

Ёшлар ўртасида бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши келажагимиз ворислари билимини ўстириш, фаоллигини оширишга хизмат қилиши аниқ.

Ҳилола ТОЖИЕВА

МАДАНИЯТИМИЗ СЎНМАС ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон замини жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган қатор буюк аллома ва мутафаккирларни тақдим этди. Ҳозирги пайтда уларнинг боқий меросидан бутун башарият баҳраманд бўлмоқда.

Афсуски, айрим сабабларга кўра, аждодларимизнинг кўп сонли асарлари хорижга олиб чиқилиб, шу кунгача дунёнинг турли илмий марказ, кутубхона ва музейларида сақланмоқда. Бундай қимматли манбаларни топиш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш халқимизнинг маънавиятини тиклашга қаратилган миллий дастурнинг ажралмас бўлагидир. Мамлакатимиз ҳукумати, олимлари, мутахассислари билан бир қаторда дипломатлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонаси вакиллари Буюк Британиянинг учта етакчи илмий маркази — Лондондаги Британия миллий кутубхонаси, Оксфорддаги Бодлен кутубхонаси ва Кембридж университети кутубхонасида тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бунинг натижаси ўлароқ ўзбек тилида «Маданиятимизнинг сўнмас дурдоналари» номли библиографик тўплам чоп этилди. Унда Британия кутубхоналарида сақланаётган буюк аллома ва мутафаккирлар — Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний, Имом ал-Бухорий, Абу Наср ал-Фаробий, Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод ва бошқа аждодларимизнинг меросига оид қадимий қўлёзма, китоб ва ҳужжатли манбалар тўғрисида маълумотлар жамланган.

Дунёда йирик билим масканларидан бири ҳисобланмиш Британия миллий кутубхонасининг қўлёзма фондининг ўзида 50 мингдан зиёд қўлёзма ва ҳужжатли манбалар мавжуд. Улар орасида Шарқшунослик бўлимида жамланган Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданияти ҳамда буюк Шарқ олим ва мутафаккирлари мероси бўйича нодир қўлёзмалар мажмуаси алоҳида қизиқиш уйғотади.

Мисол учун тадқиқотлар давомида буюк табиб ва файласуф Абу Али ибн Синонинг юздан зиёд асарлари борлиги аниқланди. Улар XI-XIX асрлар давомида араб тилида бир неча карра қайта кўчирилган нусхалардир. Мазкур асарлар орасида «Ал - Шифо» (1092й.) «Ал - Қонун фи ал - тибб» (1131 й.), «Ал - Ишорот ва ал - танбиҳот» (1242 й.) ва «Мақола фи ал - Нафс» (1242 й.) сингари алоҳида қийматга эга қўлёзмалар мавжуд.

Британия миллий кутубхонаси ҳамда Бодлен кутубхонасида алломанинг 30 дан зиёд «Ал - Қонун фи ал - тибб» (Тиб қонунлари) асарининг қўлёзма нусхалари сақланади. Мавриди келганда айтиш жоизки, Ибн Синонинг бу асари кўп асрлар давомида Ғарб ва Шарқ табиблари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Британия миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондида, шунингдек, қомусий аллома Абу Райҳон ал-Берунийнинг 7 та ноёб қўлёзмаси мавжуд. Унинг 11 китобдан иборат бўлган «Ал - Қонун ал - Масъудий» (Масъуд қонуни) асари кутубхона фахридир.

Буюк Британия кутубхоналаридаги аждодларимиз мероси орасида бобомиз Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзмалар алоҳида ўрин тутади. Дарҳақиқат, Британия миллий кутубхонасида сақланаётган Низомий Шомийнинг «Зафарнома» (1434 й.) қўлёзмаси соҳибқирон ҳаёти даврида ёзилган яккаю ягона тарихий манбадир. Муаллифнинг асар муқаддимасида таъкидлашича, 804 ҳижрий йилида Амир Темур сарой котибларининг тарихий ривоятлари асосида шахсан ўзи унга китоб ёзишни буюриб, унинг номини берган.

Шу билан бирга, Буюк Британияда Шарофиддин Али Яздийнинг тахминан 823 ҳижрий йилида ёзилган ва айни пайтда, Амир Темур давлати тарихи тўғрисида муҳим манбалардан бири ҳисобланган «Зафарнома»нинг 18 та қўлёзмаси сақланмоқда.

Қадимги турк ва форс тилларида ёзилган манбалар орасида Алишер Навоийнинг 18 та қўлёзма асари бор. Эътиборли томони шундаки, уларнинг энг қадимгиси шоирнинг ҳаёти даврида (1482) ёзилган бўлиб, унинг биринчи шеър ва достонларини ўзида мужассам этган.

Бодлен кутубхонасида 1485 йилда номаълум бир хаттот томонидан асл нусхадан кўчирилган Алишер Навоийнинг «Хамса» асарининг энг биринчи қўлёзма нусхаларидан бири мавжуд. Ушбу нодир қўлёзмада машҳур миниатюра устаси Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдларининг 8 та миниатюраси ўз аксини топган.

Мутахассислар эътиборини, шунингдек, «Бобурнома»нинг 18 қўлёзма нусхаси жалб этади. Уларнинг энг қадимгиси турк тилида 1630 йилда ёзилган. Афсуски, бу қўлёзма бизгача тўла шаклида етиб келмаган.

Юқорида қайд этилган аждодларимизнинг Буюк Британияда мавжуд нодир асарлари қаторида Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ал-саҳиҳ», ал-Хоразмийнинг «Ал-Китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала», Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Ал-Комил фи илм ал-астурлаб » ҳамда Фаробийнинг 30 дан зиёд асарини ҳам кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир.

Манбаларнинг кўпи ҳали етарли даражада ўрганилмаган бўлгани учун муфассал тадқиқот ишларини талаб этади. Уларнинг тўла ҳажмини белгилаш, қимматли нусхаларига эга бўлиш, илмий каталогларини тузиш муҳим ва долзарб масала бўлиб, тарихимизнинг ҳали кўплаб бокира саҳифаларига ойдинлик киритади.

Мардон ЁҚУБОВ
«Жаҳон» АА,
Лондон



Баҳор яқин.

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Тошкент Давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбектелефильм» студияси ҳамкорлигида суратга олинган «Ёруғлик» ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Фильмда, асосан, мустақиллик йилларида мамлакатимиз нефть ва газ соҳасида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, нефть-газ саноатининг шаклланиш тарихи, тармоқдаги мавжуд муаммолар, сабоқлар ҳамда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильмда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даври мобайнида нефть-газ саноатини ривожлантириш, техникавий жиҳозлаш ва қайта таъмирлаш, янги конларни ишга туширишга жиддий эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон янги минг йилликка нефть ва газ саноатида улкан салоҳиятга эга мамлакат сифатида қадам қўйди. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 80-йилларида мамлакатимизга ҳар йили ўртача 6 миллион тонна нефть маҳсулоти четдан ташиб келтирилар эди.

Нефть ва газ ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга қаратилган эътибор ўз самарасини берди: 1995 йилда 7,6 миллион тонна нефть ва газ конденсати қазиб олинди. Шу тариқа мамлакатимиз амалда нефть ва газ мустақиллигига эришди. Бу халқимизга хос бунёдкорлик ва яратувчилик фазилатларининг яна бир намойишидир.

Истиқлол йилларида қуриб фойдаланишга топширилган Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲда ҳам ягона «Шўртангазкимё» комплекси қувватларидан унум билан фойдаланилаётгани қўл келмоқда. Бугун ушбу корхоналарда минглаб ёшларимиз иш билан банд.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ушбу фильм мамлакатимиз нефть-газ саноатида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи муҳим манба бўлганини алоҳида таъкидлади.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

• МУСОҲАБА

АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ, САОДАТ БЕРИНГ...



Дунёда улуғ ва муқаддас зот бу — аёл. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам қуйидаги мисраларида аёлларни таърифлаб шундай дейди: «Оламда аёл мадҳига достон тугамайдир, чунки ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайдир». Ҳақиқатан бугунги кун ўзбек аёллари мадҳини достон қилса арзийди. Уларнинг жамиятда, оилада тутган ўринлари беқиёсдир. Шу муносабат билан биз Тошкент Давлат юридик институти кафедра мудири, юридик фанлари номзоди, доцент Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА билан бугунги кун аёлининг маънавияти, ҳуқуқий маданияти, зиммасидаги масъулиятли вазифалари хусусида суҳбатлашдик.

— Зумрад опа, айтингчи, аввало аёл маънавияти деганда нимани тушуниш мумкин?

— Аёл тақдири ҳақида ўйлаганимда, ҳақиқатан ҳам у бир жумбоққа ўхшайди. Айримлари камтарин, меҳнаткаш, ҳокисор бўлса, баъзилари такаббур, беандиша, бемеҳр. Худога беадад шукрлар бўлсинки, аёлларимиз ичида иккинчи сифатга эга бўлганлари камроқ. Мен ўзбек аёллари билан фахрланаман. Аёлларимизнинг кўпчилиги камсуқум, соддадил.

Мен аёлларда қадрлайдиган ва эъзозлайдиган яна бир сифат мавжуд. У ҳам бўлса, аёл маънавиятидир. Аёл маънавиятини ҳеч қандай бойликка алмашиб бўлмайди. Маънавият тушунчаси жуда кенг маънони англатади. Унинг замирида поклик, ҳалоллик, садоқат, меҳр -оқибат, масъулият, билимдонлик мавжуд. Аёл бир қўли билан дунёни, бир қўли билан бешикни тебратади, дейди доно халқимиз. Аёл зиммасига жуда кўп вазифалар юкланган. Ҳозирги замон аёли уй бекаси, меҳрибон она, ишда раҳбар, мураббий.

Ватан остонадан бошланади дейилади. Уйида тинчлик-хотиржамлик, саранжом-саришталик, тўкис-туганликни яратган аёл маҳалада, эл-юрт ичида ўз ўрнига, ҳурматига, обрўйига эга бўлади. Бу фарзанд тарбиясида ҳам энг муҳим омил ҳисобланади. Чунки, қуш уясида кўрганини қилади. Фарзанди нопок чиққан аёл биринчи навбатда айбни ўзидан қидириши керак.

Мендан энг бахтли аёл қандай бўлади, деб сўрашса, оилада, жамиятда ўз ўрнини топган, фарзандларининг меҳрини қозонган, ўз қадрини билган аёл бахтли, деб жавоб берган бўлар эдим. Тўғри, бахтни ҳар ким ўз тасаввурида ҳар хил талқин қилади. Тўғрироғи нимага эришолмаган бўлса, орзуси бахтнинг чегараси бўлиб кўринади. Менимча, шахсий бахтни умумжамият бахтидан айри кўриш мумкин эмас.

— Оиладаги аёллар ҳуқуқий маданияти хусусида фикрларингиз...

— Маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий маданиятнинг бир нечта зарурий томонлари борки, бу оиланинг тинч-тотув яшашида муҳим роль ўйнайди. Бундан биринчиси, онгли интизом. Онгли интизом кишининг кундалик фаолиятида, хулқ-атворида, атрофдагилар билан муносабатида, масъулиятни ҳис қилишида намоён бўлади. Ҳар бир оила аъзосининг ўз ахлоқий бурчини англаб етиши, хатти-ҳаракатига баҳо бериши оиланинг обрўсини жамият, маҳалла олдида оширади. Онгли интизом кенг жамоатчиликка, жамият аъзоларига чексиз ҳурмат, қонунларимизга юксак эътиқодда тўла намоён бўлади. Оиланинг энг муҳим вазифаларидан яна бири комил инсонни вояга етказишдир.

Комил инсонни шакллантиришда оила учинчи бир шартни бажариши лозим, яъни оилада соғлом маънавий муҳит яратилиши керак. Оила аъзоларининг тотувлиги, ўзаро ишонч, меҳр-муҳаббат, ягона мақсад, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишга асосланиши керак. Оилавий муносабатларда адолатли бўлишдек фазилат ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Инсоният тириклигининг доимийлигини таъминлайдиган бирдан-бир нарса ҳам адолатдир. Жамиятда, унинг негизи ҳисобланган оилада адолат бўлсагина мамлакат ҳам, унинг фуқаролари ҳам фаровонликка эришадилар. Куч адолатда эканлиги барчамиз учун аён.

Жамиятнинг ютуқлари, давлатнинг қудрати ҳақида гапирганда аёлнинг ўрни ва роли тўғрисида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Буюк мақсад сари интилган давлат барча ижобий ислоҳотларни аёллар иштирокида амалга оширади.

Аёл ҳуқуқлари фақат юридик ҳолат эмас, балки, сиёсат билан маънавият, маърифат билан диний эътиқод, фалсафа билан жамиятдаги ўзгаришларнинг мутаносиблигидир.

Аёл ҳуқуқи аввало Асосий Қомус — Конституциямиз билан белгиланган ва кафолатланган. Бундан ташқари аёллар манфаатини ҳимоя қиладиган, унинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайдиган қатор қонунлар мавжуд. Масалан, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун, Оила кодекси шулар жумласидандир.

Жамиятда аёл ҳуқуқларини нафақат давлат органлари, балки, нодавлат ташкилотлари ҳам ҳимоя қиладилар. Уларга сиёсий партиялар, 400 дан ортиқ жамоат ташкилотлари, 60 та ҳар хил жамиятлар, қўмиталар, 35 дан ортиқ ассоциация, 20 та тармоқ касаба уюшмалари, 44 та жамғарма, 18 та уюшма ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Булардан ташқари, аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи элликдан ортиқ халқаро ҳужжатлар бор. Мақсад уларни санаб ўтиш эмас, балки, ҳар бир аёл ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ англашларини таъкидлашдан иборатдир.

— «Обод маҳалла йили» дастурини ҳаётга татбиқ этишда аёлларимизнинг иштироки қандай бўлса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?..

— Обод маҳалла йили аёлларимизга янги бир қирраларини намойиш қилишда айни муддао бўлди, деб ҳисоблайман. «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини мустаҳкамлаш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини ошириш биринчи навбатдаги вазифа эканлиги таъкидланди. Маҳаллани янада фаровон қилиш учун тадбиркорликни, маиший хизматни, савдо соҳаларини ривожлантириш ва тартибга солиш, ҳар бир ҳудудимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, айниқса болалар спорт майдончаларини ташкил қилиш тўғрисида ўйлашимиз керак. Маҳаллалар ўртасида соғлом турмуш тарзини юзага келтириш, маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ бўлган қадриятларимиз ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш аёлларимизнинг иштирокини талаб қилади. Айтмоқчиманки, йил энди бошланди, Обод маҳалла йилида ҳар бир аёл ўзига муносиб иш топиб, режа бўйича ўз ҳиссасини қўшса, хонадонимиз обод, маҳалламиз тинч-тотув, юртимиз осойишта бўлади, деб ўйлайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

ШАНИ

ҚОРЛАР ЁҒСИНГИЛНИ ХУШЛАБ

Оқ кабутар қанотидан тўкилган мўл ҳосилдан даракдир ёққан оппоқ қор,
Ер юзини безайди кумушдек, зарҳал... Баракот неъматидан шодликлар бисёр,
Қувонтириб кекса-ю ёшни ҳам бар... Гўллар тўхтамайди, қишда ҳам ёр-ёр,
Қор ёғади, қор ёғади кўнгилни хуш... Қор ёғади, қорлар ёғар кўнгилни хушлаб.

Ёш болалар қувончига шерик бўлиб... Момиқ кўрпа остида ором олар ер,
Қорбоболар ясаймиз юриб изма-из... Кўрпам сенга ғанимат, мўл-мўл ҳосил дер,
Чана, коньки учамиз сирпаниб ғи-... Ер бағрига томиб сингган сувмас, манглай тер,
Қор ёғади, қорлар ёғар кўнгилни хуш... Қор ёғади, қорлар ёғар кўнгилни хушлаб.

Яхмалакда... ойдек қотибди,
Бобо қўғ... ботибди,
Қор остида... хор ётибди,
Қорлар ёғ... нгилни хушлаб.

Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА

Ёлғиз боркан, олам мунаввар

ҲАЁТ ЙЎҒИНИНГ ГУЛЛАРИ



Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Юнусобод туманидаги «Юнусобод» теннис корти ёнида жойлашган республика 2-сон «Шодлик» никоҳ уйи ҳам кўп йиллардан буён бахтли оилаларга қувонч улашиб келмоқда. Ушбу никоҳ уйи айниқса ёз, куз ойларида бахтли келин-куёвлар билан гавжум бўлади. Ёшлар бу қутлуғ даргоҳда Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, шунингдек, икки ёшнинг никоҳ тузиш тартиби ва шартлари билан таништирилади. Ёшлар никоҳдан ўтиш учун ўзаро розиликларини билдириб, қонуний рўйхатдан ўтиш учун ариза билан мурожаат қиладилар. Шундан сўнг тўй муддатигача ёшларга тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма берилади.

— Хўш, тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти нимада? — сўраймиз «Шодлик» никоҳ уйининг раҳбари Наргис Мирзаахмедовадан.

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2000 йил 28 июндаги № 344-қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 23 июндаги № УМ 37-қарорларида никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари тўғрисида қуйидагилар баён этилган, — деди Н. Мирзаахмедова. — Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Инсоннинг соғлиғи, унинг бугунги куни ва келажак авлодининг баркамоллиги жамиятимизнинг энг катта бойлигидир. Фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш вазифасини давлат ўз зиммасига олади. Шу туфайли Оила кодекси никоҳ тузувчиларнинг фақат уларнинг розилиги билан никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича уларга маслаҳат бериш давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан белгиланган тиббий кўрикдан ўтишини белгилайди. Тиббий-ирсий кўрик ўтказиш тиббий-ирсий масалаларга оид текшириш натижаларини, шунингдек никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишини хоҳламаганлари ҳақидаги маълумотни никоҳланувчи шахсларнинг ёзма аризаси асосида фақат уларнинг ўзларига ёки уларнинг қонуний вакилларига берилишини белгилайди.

«Йиғ» қувнизга ик

Ўз бахтида севилиб мустақил ҳаёт остонасига, бахталмиш муқаддас кошонага қадам қизларимизнинг қалблари бир олам шодлигга тўлаверади. Тўй — бу инсон ҳаётидаги энг қилмас онлардир, Мана шундай дамларимиз шаҳримизда жойлашган Никоҳ ФҲДЁ бўлимларига ариза билан кир.



Ҳа, ҳақиқатан ҳам «Шодлик» никоҳ уйи ёш келин-куёвларга бахт-саодат тилаган ҳолда мустаҳкам оила кўрғонини тиклашларида ҳамиша мададкор бўлиб келмоқда.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТДА: 2-сон «Шодлик» никоҳ уйининг раҳбари Наргис Мирзаахмедова никоҳ уйи ходималари билан келгуси иш режаларини маслаҳатлашмоқда.



• ТАДБИРКОРЛИК

МЕҲРДАН ҚАДР ТОПИЛАДИ

Азал-азалдан шарқ аёллари чевар бўлишган. Момоларимиз ҳар бир қатига меҳр-муҳаббатини қўшиб тиккан каштаю сўзаналар хонадонларга ўзгача файз бағишлаган. Чеварлар қўлида турли бичимда яратилган қиз ва келинчакларнинг бежирим либосларини айтмайсизми?!

Шу боис бўлса керак ана шу анъаналаримизни эъзозлаган аёлларимиз ҳозирда тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Улар нафақат шаркона либосларимиз, балки бугунги харидор дидига жавоб берадиган замонавий кийим-кечаклар яратиш йўлида ҳам тинмай изланишмоқда. Қувонарлиси эса улар тиккан кийим-кечаклар чиройли, бичими, мустаҳкамлиги, кўриниши жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Негаки улар бугунги бозор иқтисодиёти шароитида сифатли маҳсулотгина ўз харидорини топишини яхши билишади.

Шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Меҳринисо Мавлонова ҳам ўз олдига ана шундай улкан мақсад — чет эллникидан асло қолишмайдиган, айни пайтда ўзимизнинг шарқона урф-одатларимизга ҳам мос, шу билан бирга харидор дидига хос кийимлар тикиш устида изланаётган чеварлардан. Меҳринисо опанинг ўз атрофига келиб ва қизларини тўплаб тикув ишлари билан астойдил шуғулланаётганига эндигина олти ой бўлди. Мана шу қисқа давр ичида улар ўз мижозларига эга бўлишди. Аёллар ва эркаклар учун турли бичимдаги устки кийимлар тикишаётган чеварларга кўплаб буюртмалар тушмоқда.

— Тадбиркорлик ёш танламас экан, — дейди Меҳринисо опа биз билан суҳбатда. — Айниқса, юртимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилиб, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган бир пайтда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, қиз ва келинларимни мана шу ишга даъват этдим. Барча турдаги кийимларни буюртма асосида тикиш билан бирга, пойтахтимиздаги «Чорсу» буюм бозоридан ҳам жой олиб, маҳсулотларимни харидорларга сотамиз. Ўтган йили шаҳримиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи ўқувчилари учун либослар тайёрлаб бердик. Мақсадимиз арзон, қулай, бежирим кийимлар тайёрлаш билан бирга, ёш қизларимизни ҳам ҳунарга ўргатишдир. Албатта, келгусида бичиш-тикиш ўқувини ташкил этиш ниятидамиз. Ҳар бир қиз бола ўзи, кейинчалик эса фарзандлари учун либосларни тикса, бу ҳам ўзи учун, ҳам оила бюджетига катта фойда бўлади.

Меҳринисо Мавлонова ўзлари фаолият кўрсатаётган «Камолон» маҳалласидаги кекса онахонлар, кам таъминланган оилалар ҳожатини чиқариб, уларга арзон нархларда, бепул кийимлар тикиб беришга ҳаракат қилади. «Қария онахонларимизнинг дуоси бизни қўллаб-қувватлаб турса, ишимиз ҳамиша ривож топаверади», дейди у мамнун бўлиб.

Яқинда Шайхонтоҳур туманида бўлиб ўтган «Ташаббус—2003» кўрик танловида хусусий тадбиркор Меҳринисо Мавлонова ҳам ўз маҳсулотлари билан муваффақиятли иштирок этиб, диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Уларнинг келгусидаги ниятлари эса ички бозорни халқимиз дидига ёқадиган, талаблар даражасидаги маҳсулотлар билан таъминлашига муносиб ҳисса қўшиш. Бунинг учун эса бозор талабини ўрганиш, диди ўсиб бораётган харидор эътиборини қозониш муҳим ўрин тутишини Меҳринисо опа буни яхши англайди. Ана шунинг учун ҳам бозорбоп маҳсулот тайёрлашда нафақат билим ва тажриба, балки касбга, одамларга меҳр-муҳаббат ҳам зарурлигини шогирдларига тинмай уқтириб боради. Зеро, меҳр меҳнати қадрини янада юксалтиришини тадбиркор аёл ҳар бир амалга ошираётган ишида англаб боради.

Дилноза ИЛЁСОВА

СУРАТДА: Меҳринисо Мавлонова (чапда) бичиқчи Гулмира Умаркулова билан тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Яқинда, ўзим хоҳламаган ҳолда, хунук бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ичиб олган эр хотинини энг нопок сўзлар билан ҳақоратлаб, ваҳшийларча дўппослар, болалари эса чуввос солиб йиғлашар, йиғилган оломон бечора ожизани унинг қўлидан базўр айириб олишди.Кимдир милицияга хабар қилмоқчи бўлди, бироқ аёл бунга йўл қўймади. «Ҳозир мастлар, ўзларига келсалар, ҳали узр сўрайдилар».

ИЛДИЗЛАРИНГ ҚАЙДА ИЗТИРОБ?!

Кейин билсам, бу эркак иш йўқ деб, ҳеч қаерда ишламас, хотини бозор-ўчар қилиб топган пулини ҳам ичиб, мана шунақа томошалар кўрсатиб турар экан.

Биламан, «шоли қурмаксиз бўлмайди». Оз бўлсада бундай **«мард»** эркаклар орамизда учраб турибди. Яна қулоққа, аёллар ҳақида «Аёллигича боришди-да», «Хотинларга ўхшаб майдалашма», «Сочи узуннинг ақли қалта» қабилидаги ёқимсиз гаплар ҳам эшитилиб қолади. Бу гапларнинг ҳаммаси эркакларимиз томонидан айтилади. Ахир рўзғорни бут, оилани тинч қиладиган шу мушфиқ аёллар эмасми? Шундай экан, уларни озорламокдан ва бундай ножўя гапларни гапиришдан сақланмоқ керак. Ахир, у сизнинг меҳрибон онангиз, мушфиқ опангиз, мунис синглингиз, парвона қизингиз, жонкуяр бекангиз бўлади-ку?! Эркакни бор қиладиган, баъзида хор қиладиган ҳам шу аёллар. Севса ҳам, севмаса ҳам парвонангиз бўлиб орамизда юради. Уйингиз саранжом-саришта, уст-бошингиз ораста, фарзандларингиз ардоқланиб вояга етмоқда. Сиз эса, баъзида ёнингиздаги биродарингизни ҳам «хотинларга ўхшама», дея жеркиб берасиз. Қани эди ҳамма аёллар каби, назокатли, латофатли, садоқатли бўлса, бу дунё меҳру муҳаббат бўстонларига айланиб кетармиди.

Урсангиз ҳам, сўксангиз ҳам ҳеч кимга шикоят қилмай парвонангиз бўлиб яшайверади. Бундай садоқат фақат ўзбек аёлигагина хос фазилат.

Сиз учун минг ўлиб, минг тирилиб яшаётган жуфти-ҳалолингизнинг қалбига қуёш солсангиз, орзу-умидлари билан ўртоқлашсангиз, беклигингиздан тушиб қолмассиз ахир?

Мен аёл бўлганим учун улуғлаётганим йўқ уларни, шу зотнинг бир бўлаги бўлганлигим, унинг дарду изтиробини ҳис қилиб тўлганим учун ҳам ёзаяпман бу сатрларни. Аёлни эъзозлаш, унга юксак эҳтиромлар кўрсатиш шарққа хос хусусиятлардан биридир. Аммо, назаримда ана шу эъзоз баъзи бир эркакларимиз томонидан топталмокда.

Оз бўлса ҳам улар орамизда мавжуд, улар туфайли аёлнинг кўнгли ярим, қалби ўксик, муҳаббати етимдир.

Ўзбегим баҳодирлари, кўзингизни каттароқ очинг, мудроқ юрагингиз уйғонсин, виждонингиз қимирласин, ахир сизнинг аёлингиз рўзғор юкини кўтараман деб аёллик ибосини серзарда қайфиятга, асабий ва маъносиз қарашларга алмашмаяптимикан???

Тулпорларим, укам-акам, оталарим,
Минг-минг уйли халққа эҳсон атоларим.
Ҳали мунглиғ аёл кўнглин топмабсизми
Босган изи хатоларим-хатоларим.

Менимча машҳур шоиримизнинг бу мисраларидаги улкан маънони англаш унчалик ҳам қийин эмас. Сиз бу ҳақда нима дейсиз азиз газетхон?

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Оламда нима гап?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Ғарбдаги махсус хизмат вакиллари хабар беришича, улар «Ал-қоида» ташкилоти аъзолари томонидан қўлланиладиган сўзларнинг махсус рўйхатини қўлга киритишган. Бунга террорчи ташкилотларнинг бир аъзосини ҳибсга олиш жараёнида эришилган. Махсус хизмат вакиллари олинган мавжуд тахминлар натижасида «асал», «ўйинчоқ» ва «қиз» каби белгиланган сўзлар террорчилар тилида салбий маъно англатишини аниқлашган.

◆ Польшада қалбаки евро чиқариш билан шуғулланадиган гуруҳ фош этилган. Жиноятчилар бир ярим миллионга яқин қалбаки евро тайёрланганликда айбланмоқда. 2002 йил бошида амалга киритилган евро шу пайтга қадар бундай катта ҳажмда сохталаштирилмаган эди.

◆ Нью-Йоркда фильм ва спектакллар намойиши давомида уяли телефондан фойдаланиш тақиқлаб қўйилган. Аввалроқ шаҳардаги ресторанларда чекиш ман этилган ва Нью-Йорк аҳли янги қоидага рози бўлган эди. Уяли телефон эгалари эндиги тақиқдан бироз норози. Гап шундаки, театрга борувчиларнинг аксарияти ушбу матоҳдан фойдаланади. Энди янги қонунга мувофиқ ҳар бир қўнғироқ учун 50 доллар ҳисобида жарима солинади.

◆ Лондонда жаҳонда биринчи бўлиб автомобилда шаҳар марказига кириш учун пул олинадиган бўлди. Ушбу чора марказга автотранспорт оқимини 10-15 фоизга камайтириш ва жамоа транспортини ривожлантириш учун қўшимча маблағ олиш мақсадида кўрилмоқда. Шаҳар марказига автомобилда кириш 5 фунт стерлинг ёки 8 доллар атрофида бўлади.

◆ Жанубий Кореянинг пойтахти Сеулдан 200 километр узоқликда жойлашган Тэгу шаҳри метросида кучли ёнғин содир бўлди. Унинг оқибатида 100 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди, 128 нафардан зиёд киши яраланди. Полиция ўрта ёшлардаги бир кишини ҳибсга олган. Гувоҳларнинг айтишича, айнан ана шу киши ўтаётган поездга тез ёнувчи модда солинган қутичани отган.

◆ Хитой шифокорлари шу йил қиш фаслида 5 минг нафар кишининг ҳаётига зомин бўлиб, мамлакатнинг жанубида саросима уйғотган ўпка касаллиги сабабини топишди. Аниқланишича, касаллик тарқатувчи хламидий бактериялари ҳаво ва беморларнинг ўзаро мулоқоти орқали тарқалган.

◆ Маҳаллий Зоҳидон—Кермон йўналиши бўйича парвоз қилган ҳарбий самолёт Эрон жанубида ҳалокатга учрагани боис, унинг бортидаги 302 кишининг барчаси ҳалок бўлди. IRNA агентлигининг билдиришича, Эрондаги ислом режимининг таянчи бўлган Революцион гвардиянинг юқори мартабали вакилларини олиб кетаётган «Ил-86» самолёти Покистон билан чегарадош ҳудудда ерга қулаб тушган.

Болаликка қувноқлик ярашади

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан талабалар ўртасида ўтказиладиган «Қувноқлар ва зукколар» ҳамда «Олтин болт» танловлари ёшларимиз ўртасида кенг оммалашиб бормоқда.

Ўзбекистон «Қувноқлар ва зукколар» клуби жамоалари уюшмаси 1997 йилда ташкил топган. У норасмий тарзда 100 та жамоани ўзида бирлаштиради. Жамоалар қатнашчилари олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ёшларидан иборат.

— «Қувноқлар ва зукколар» клуби ёшлардан билим доираси кенглигини, чаққонликни ҳамда актёрлик маҳоратини талаб қилади, — деди Ўзбекистон «Қувноқлар ва зукколар» ўйинларини ўтказиш ишчи гуруҳининг раҳбари, «Геликон» продюссерлик маркази директори Андрей Каримов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Мусобақалар ўзбек ва рус тилларида бўлиб ўтади. Шу йилнинг 20 январидан республикамизда тенеджер йўналиши бўйича «Қувноқлар ва зукколар» мусобақалари лицей, мактаб ўқувчилари ўртасида бошлаб юборилди. 22 февралда «Авиасозлар» саройида ўтган йилги мусобақалар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Шунингдек, «Олтин болт-2003»нинг янги мавсуми очилади. — «Олтин болт» — ўз номи билан ҳазил-мутойибадан иборат мусобақа бўлиб, енгил ҳазиллар орқали томошабинларни кўпроқ ўзига жалб қилади. Ўн уч йўналиш бўйича мукофотлар таъсис этилган. Томошабинларнинг меҳрини қозониш, энг яхши қутлов, сардорлар беллашуви, актёрлик маҳорати, энг яхши мусиқа ва уй вазифаси йўналишлари шулар жумласидандир. Ўйлайманки, янги мавсум иқтидорли ёшларимизнинг янги қирраларини очади.

Кунлар тунларга уланиб бетиним ўтказилган машқлар мусобақада ўз самарасини берса қандай яхши. Айниқса, талабчан ҳакамлар томонидан жамоаларга берилган баллар эълон қилинганида ёшлар қалбидан ҳаяжонли дақиқалар кечади.

— Дарвоқе, жорий йилнинг 27 январидан 7 февралигача Сочида 14-халқаро «КВН-2003» фестивали бўлиб ўтди. Унда МДҲ ҳамда Германия, Финляндия, Португалия, Нидерландия каби давлатлардан 312 та жамоа иштирок этди, — деди Ўзбекистон «Қувноқлар ва зукколар» клублари уюшмаси бош муҳаррири Игорь Кучмар суҳбатни давом эттириб. — Ўзбекистондан иккита жамоа «Самони бўйсундирувчилар» («Укротители небес») ҳамда «Ажойиб йигитлар» («За классные пацаны») қатнашди. Улар Ўзбекистон шарафини астойдил ҳимоя қилишди. Шуниси қувонарлики, навоийлик «Ажойиб йигитлар» жамоаси фестивалнинг гала-концертида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дилдора ТОИРОВА,
«Туркистон-пресс».

• ҲУҚУҚ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун зарур имкониятларни яратиб бериш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Бу борада туманларда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Биз шундай савол билан Яккасарой туман ҳокимининг ўринбосари, вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси раиси Рашод ИНОҒОМОВга мурожаат қилдик.

— Маълумки, 2000 йил 21 сентябрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори эълон қилинган эди. Мазкур қарордан сўнг вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар комиссия фаолиятининг асосий мезонига айланди десак хато бўлмас...

Хусусан, Яккасарой туманида 2002 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда жиноят қилишга мойил бўлган ўсмирлар рўйхати таҳлил этилиб, қайта ишлаб чиқилди ва уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказилди. Масалан: туманимиздаги «Гранд синема» кинотеатрида гиёвандлик ва ақидапарастликнинг олдини олишга қаратилган кинофильмлар ўқувчилар учун намойиш қилинди. Ўсмирларнинг бу тўғридаги фикр-мулоҳазалари ёзилган иншолар йиғиб олиниб педагогик кенгашларда ўрганилди.

Олиб борилган ишлар кўлами шундан иборатки, 2001 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 49 тани ташкил этган бўлса, 2002 йилда 32 тага камайгани, жиноят содир этган вояга етмаганлар сони 2001 йилда 63 та бўлса, 2002 йилда 46 тага камайгани кузатилди.

Бу натижаларга эришишимизда маҳаллаларда ва мактабларда олиб борилган чора-тадбирлар, маҳалла посбонлари ва педагог-тарбиячиларнинг хизматлари катта бўлди. Чунки жойларда ёшлар билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, спорт ва фойдали меҳнатга жалб этиш йўлга қўйилмаса, бундай ижобий натижага эришиш қийин деб ўйлайман.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар бир нарсага алоҳида этиборни қаратишлари лозим, у ҳам бўлса вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши керак. Менимча, шунинг учун ҳам ушбу комиссия ташкил этилган. Яқинда туманимизда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши ва давра суҳбати бўлиб ўтди. Қилинган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва билим маданиятини ошириш мақсадида 28 та, маънавий ва маърифий йўналиш бўйича 76 та, спорт йўналишлари бўйича 21 марта тадбирлар ўтказилган. Ушбу тадбирларда тумандаги 17 минг-та ўсмир иштирок этган. Туман ички ишлар бўлими, прокуратура, «Маънавият ва маърифат» маркази, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, шаҳар наркологик маркази билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёвандлик ва диний ақидапарастлик иллатларига қарши қатор давра суҳбатлари, саволжавобли учрашувлар ўтказилди.

Барча таълим муассасаларида «Гиёвандлик — аср вабоси», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Ўзбекистон — менинг Ватаним», «Соғлом турмуш тарзи — баркамол авлод гарови» мавзуларида иншолар, давра суҳбатлари, расм кўрик-танловлари ўтказилди.

Комиссия ташаббуси билан ТХТБ қошидаги «Болаликни кўриқлаш инспекция»си ва туман ИИБнинг профилактика бўлими, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда ота-онасиз қолган, ёрдамга муҳтож болаларни аниқлаб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Туман ижтимоий таъминот бўлимида 2002 йилда жами 272 та вояга етмаган ижтимоий нафақа билан, йил давомида эса 1 та ногиронлар аравачаси, 2 та қўлтиқтаёқ билан таъминландилар, 5 та ногиронга ўқишга йўлланма берилди. Протез ортопедия маҳсулотлари олиш учун Реабилитация марказига 18 та талонлар берилди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими томонидан болаликдан ногиронликнинг олдини олиш ва уларни соғломлаштириш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Ногирон бола ва ўсмирлар ўз вақтида диспансер кўригидан ўтказилиб, касалликлари бўйича махсус диспансерларга юборилиб соғлиқларидаги ўзгаришлар кузатиб борилмоқда.

2003 — Обод маҳалла йилини янги режалар, аниқ мақсадлар билан бошладик. Фаолиятимизни маҳалланинг ҳаётимиздаги ҳамда ёш авлодни Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида камол топтиришдаги ўрнини янада юксалтиришга, ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш иқтидорларини тўлиқ намоён этишлари учун қулай шарт-шароитни яратиб беришга янада эътиборни қаратишга ҳаракат қиламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.



СУРАТДА: 1-оилавий шифохонанинг бош шифокори Муҳаррам Абдуназарова қабулига келган ёш онага керакли маслаҳатларни бермоқда.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

Республикада аёлларга кўрсатилаётган эътибор, айниқса, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигининг ошиб бораётганлиги, барча соҳаларда тенг ҳуқуқли фаолият олиб бориши қувонарли ҳолдир.

Мустақиллик ва аёл

«Ўзбек-Турк» банкида «Мустақиллик. Аёл. Дин» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

«Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими уюштирган семинарда банк ходимлари, «Маънавият ва маърифат» марказининг етакчи мутахассислари ва меҳмонлар иштирок этишди.

Ушбу анжуманда аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари муҳокама қилинди.

«Ўзбек-Турк» банкининг бошлиғи Мустафаакгун «Дин юксак маданият ва маънавият қуроли», тарих фанлари номзоди Жамила Шермуҳамедова эса «Аёл — сирли тилсимот»мавзуларида сўзга чиқдилар: қизиқарли баҳс, мунозара тарзида ўтган анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

• АНЖУМАНЛАР

Маҳаллаларни ривожлантириш — давр талаби

Тошкент Ахборот технологиялари университетида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Юнусобод тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ижтимоий фикр» маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши,Тошкент маданият институти ҳамда университет ҳамкорлигида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш — давр талаби» мавзуидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Юнусобод тумани ҳокими Р. Пўлатов, ТАТУ ректори С. Қосимов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А. Болиев, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Ғадойбоев лар сўзга чиқиб, маҳаллаларимизнинг бугунги кундаги ўрни, ушбу тизимни янада ривожлантириш хусусида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси доценти, тарих фанлари номзоди М. Қирғизбоевнинг «Маҳалла Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятида ўзини-ўзи бошқаришнинг муҳим омилидир», социология фанлари доктори, профессор М.Бекмуротовнинг «Ўзини-ўзи бошқаришнинг ижтимоий-маданий кўринишлари», «Ижтимоий фикр» маркази директори О. Атамирзаевнинг «Маҳалла — жамоатчилик кўзгусида» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Анжуман сўнггида Тошкент Ахборот технологиялари университети пойтахт олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган «Талабалар уйи — менинг иккинчи уйим» кўрик-танловининг шаҳар босқичида «Энг яхши маънавият ва маърифат хонаси» йўналишида биринчи ўринни эгаллаганлари учун Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Баъзи ҳакимларнинг фикрича, одамнинг ақлли эканлигининг белгиси ҳамма билан муроса қила билишида, одамлар билан тил топа олишида ва уларни тўғрилик томон юргиза билишдадир. Мақолда: «Халқ билан тил топа олмаган киши — ақл неъматидан маҳрум киши» дейилади. Халқ билан муроса ва мадора деганда шундай нарсани тушуниш керакки, унда ёлғончилик бўлмайди, ҳеч кимни алдамайди. Тили билан дили бир-бирига мувофиқ бўлади; каттаю кичик билан бирдек муомала қилади, барчани яхши ишлар сари ундайди, ҳеч кимга зарари тегмайди.

• Луқмони ҳаким айтади:

— Кишининг ақли шараф ва улуғлик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса айблари яширин ва дўстлари эса ундан рози бўлади.

• Яхшилик яхши ном келтиради, саховат эса кишини бахтиёр қилади.

• Ёмон отли киши
ўлик билан тенг,
Яхши ўлса ҳамки,
тирик эл аро.
Шундай яшагинки,
сен ўлсанг агар,
Бошга тупроқ сочиб
чексинлар наво!

ҲИКМАТ. Таажжубки, дунёпарастлар бойликни молдан қидирадилар, ваҳоланки, у қаноатдадир. Роҳатни эса кўпдан қидирадилар, аксинча у оздадир.

Байт:
Учқур оту янги
либосда,
Ҳеч фазилат эмасдир
ниҳон.
Дунёпараст хуш
либосликнинг,
Юрагида ғамидир
уммон.
Жон роҳатин
изласанг агар,
Қаноатда бўлгандир
пинҳон.

• Бир ҳакимдан сўрадилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан сенга ёқди ва биродарлик даражасига етди ва қайси бирига муҳаббатинг кучлироқдир?» Ҳаким: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадигани!» — деб жавоб берди.

• Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшайди. Дарахт тоза ва ҳосилли бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса, ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзимайди.

Ростлигу дўстликни
кутса бўлади,
Оқил кишилардан,
фарзоналардан.
Аҳмоқлик бўлади
яхшилик кутмоқ,
Ақли йўқ, баднамо,
девоналардан.

Чимёнда тоғ чанғиси байрами



(Давоми. Боши 1-бетда)

Шамол тезлиги меъёрдан анча юқори эканлиги сабабли улкан слалом — тоғ чанғиси бўйича Республика чемпионатини ўтказишнинг иложи бўлмаганлигини қайд этсакда, бироқ «Тоғ байрами» тадбири давомида меҳмонлар ва иштирокчилар бир олам завқ олдилар. Хусусан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, бизнесменлар ва меҳмонлар «Тик чанғи йўли» мусобақаларида фаол иштирок этишди. Чанғиларда, чаналарда учиб, мазза қилиб ҳордиқ чиқаришди. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш дастурига кўра ёшлар ўртасида «Қувноқ стартлар» мусобақалари ҳам ўтказилди.

Бундан ташқари сураткашлар ва самарқандлик қўли гул санъат усталарининг сопол ва матодан яратган асарларининг кўргазмалари, «Илҳом» театри актёрлари томонидан театрлаштирилган саҳна кўринишлари, «Аладдин», «Сахар», «Фаёд», «Асал» ва бошқа гуруҳлар иштирокидаги дам олиш шоу дастури, тик йўналишдан велосипедда тушиш — байкерларнинг бетакрор маҳоратлари байрамга ташриф буюрганларнинг кўнгилларини хушнуд этди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, шаҳар ҳокимлигининг кўмаги остида «Тоғ байрами»да «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси саъй-ҳаракатлари билан Юнус-обод туманидаги 21-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 50 нафар боланинг тадбирда қатнашиши ҳам қувонарли ҳол бўлди.

— Болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг соғлиғини тиклаш, психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида ўтган йили ноябрь ойида «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасини ташкил этдик, — дейди жамғарма маъмури Галина Смирнова. — «Тоғ байрами» тадбири ўтказилишини эшитиб, шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик ва унинг ёрдамида меҳр-мурувватга муҳтож болажонлар учун Чимёнга сафар ташкил этдик. Ушбу байрамда болажонларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Байрам сўнггида мусобақаларда ғолиб чиққан спортчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.





Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: «Тоғ чанғиси байрами» тадбиридан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Ҳижрон юрагимни ўртайди

Ҳижрон юрагимни ўртайди. Истасам-истамасам-да, кўзларимда ёш айланаверади. Назаримда, рўйи заминда қуёш чарақламас, осмонда юлдуз кўринмас, булут қоплаганди гўё.

Олтин куз. Дарахтларнинг олтиндек товланаётган барглари хиёбонга ўзгача тароват бахш этади. Мана, бугун ҳам бундан 10 йил муқаддам сен билан бирга сайр қилганим хиёбонда якка, ёлғиз кезмоқдаман. Барглар оёқларим остида шитирлаб, сени ёдга солади. Ўшанда биз қанчалар бахтиёр, масрур эдик. Аста-аста томчилаётган ёмғир ҳам бизга қараб чапак чаларди, бизни олқишларди. Менинг кўнглимни олиш учун айтаётган сўзларинг ҳам қулоқларимга кирмас, фикру хаёлим фақат қандай жавоб айтиш эди. Ўша лаҳзаларда билмасдимки, бир-икки учрашувдаёқ мен сенга муҳаббат қўйгандим.

Бир муҳаббатки, умри чиноргa қиёс.
Бир муҳаббатки, покиза булоқ сувидан-да покроқ.

Сенинг соддалигинг, беғубор сўзларинг мафтун этарди.

Сенга қараб табассумингга табассум-ла жавоб қайтарарканман, онамнинг «Рози бўлақол болам, яхши йигитга ўхшайди» деган сўзларини хотирлайман. «Ўқимаган йигит-ку! Мен ҳадемай олий маълумотли бўлсам» деб хаёлимдан ўтказмасимдан сен Умар Ҳайёмдан ўқий кетасан. Ҳайратдан кўзларим катта-катта очилиб кетади.

— Кўзларингиз нақадар чиройли, — дединг қўлимдан тутиб.

— Кўзларим... — бир дақиқа жим қоламан, — ҳамманикига ўхшайди, — дейман қандай жавоб қайтаришни билмай.

— Йўқ, йўқ — дейсан шошганча, — сизники ҳеч кимникига ўхшамайди, бошқача. Қани эди, бу кўзлар ҳар куни эрта тонгда меҳрли нигоҳла қараб, ишга кузатса, кечқурун ишдан қайтишимни соғиниб кутса...

— Вой, сизни ўқимаган одам десам, шоир экансиз-ку!

— Ўқимаган... — Сен маъюс тортиб, жим қоласан, сўнг:

— Ана энди мени хафа қилдингиз. Ўн ёшимдан буён ҳаёт мактабида ўқияпман. Кирмаган кўчам қолмаган. Майли, агар мен билан яна гаплашишни истасангиз қаердан топишни биласиз. Яхши қолинг!

Шундай дедингу катта кўча томон юрдинг, дуч келган машинага қўл кўтара бошладинг. Мунг чўккан кўзларинг, қадоқ босган қўлларинг тафти юрагимни куйдирарди гўё.

— Тўхтанг, Сизда гапим бор, — дедим ёнингга бориб. — Мен овқат қилишни билмайман. Кундузи ишда, кечқурун ўқишда бандман. Уйлансангиз ҳам, бир ойдан кейин афсус қиласиз. Қўлимдан уй юмушлари келмайди.

— Керак бўлса ўзим ўргатаман. Кейин овқат тайёрлаш фақат сизга қараб қолмаган, синглим, онам қилаверишади. Ўқишни битириб олишингизга имконият яратишга ваъда бераман.

Мен бундай сўзларни кутмагандим. Ўзим билмаган ҳолда сенинг қўлларингдан тутдим-да:

— Ростданми? Ҳамма тўйгача ваъда бераверади...

— Келажакда фарзандларим ўқимишли, катта жойларнинг эгаси бўлишини истайман. Шунинг учун ўқиган қизга уйланаман деб ахд қилганман. Ўртоқларимнинг кўпи институтда ўқияпти. Менинг оилавий шароитим кўтармайди, кейин бошида ўқишга ҳавас қўймаганман. Ҳозир, афсус қиламан. Сўнгги пушаймон ўзингга душман дейишади.

— Юринг, кинога тушамиз, — дедим сени чалғитиш учун.

Сен сўзсиз кинотеатр томон йўл бошладинг. Йўл-йўлакай дўстларинг билан содир бўлган кулгили воқеалардан сўзлаб, менинг кўнглимни кўтаришга интилдинг. Мени ҳар бир сўзинг, хатти-ҳаракатинг ҳайратга соларди. У пайтларда содда эдим, ҳамма гапга ишонаверардим.

Шундай қилиб, тўйимиз бўлгунча ҳар ҳафтада икки марта учрашиб турдик. Сен ҳар сафар қўлимдан авайлабгина ушлардинг. Мен ҳатто шундан ҳам қўрқардим, танамда аллақандай енгил титроқ турарди. Қўлларимни секин тортиб олардим. Сен эса қаршилик кўрсатмасдинг, ёнимда шодон қадам ташлаганча шеър ўқирдинг. Қани эди, ҳузурбахш ўша кунлар қайтиб келса!

Мен бахтли эдим. Авваллари соддагина, бўёқлар сурмасдан юрганим учунми, келин бўлиб «очилиб» кетдим. Ҳатто, ЗАГСда тушган суратимизни олиб келган қайним ҳазиллашди:

— Кеннойи, тўй куни ҳақиқий жонли гўзал қўғирчоққа айланган экансиз. Мана, суратингиз, қаранг!

Қўни-қўшни, қариндошуруғлар билан табассум-ла сўзлашаман. Ҳамма мени мақтайди. Қайнонамнинг оғзи қулоғида, ахир мақтов эшитиш кимга ёқмайди!

Кунлар кетидан кунлар, ойлар, йиллар бир-бирини қувалашиб ўтаверди. Биз бир-биримизни тушуниб, бир-биримизни севиб, бир-биримизни қўллаб яшардик. Сени ҳаммадан, ҳатто ўзимдан ҳам қизғонардим, ширин сўзларингнинг гадоси эдим. Болаларимиз катта бўлгани сари орзуларимиз ҳам юксала борди. кунлардан бир кун гап топиб келдинг:

— Азизжон олдимга келувди, Россиядан иш топибди. Хотини бир ўзингиз борманг дебди. Шунга, рози бўлсанг, бирга борсам яхши бўларди. Бироз пул ишлаб қайтсам, уйни кенгайтирардик. Болаларни ўқитардик...

— Йўқ, йўқ, истамайман. Болалар ёш, ҳадемай ёнимизга киради, кейин уйни кенгайтирамиз, — дедим овозим титраб.

Хуллас, ўша куни бир амаллаб мени кўндирдинг. Мана энди ҳижрон азобидан куйган юрагимдан томаётган қонларни сиёҳ қилиб сенга мактуб битяпман: «Азизим, Сизни жуда соғиндим. Кундузлари иш билан андармон бўлиб бир зумда ўтиб кетади, аммо тунлар... юлдуз ҳам осмонда хирагина нур сочади, ой ҳам ўз гўзаллигини кўз-кўзлагандай булутлар ортига беркинади. Менинг эса соғинчдан юрагим чоклари сим-сим қонайди. Лабимни қаттиқ тишлаганча кўз ёшларимни ичимга ютаман, аммо улар бўғзимни оловдай куйдиради... Сизни интизорлик билан кутаётган рафиқангиз».

Оҳ, ёстиғининг ярми бўш аёл! Сенинг қалб нолаларингни, дилномаларингни тинглагувчи зот борми? Ер юзидаги жамики жонзот ўз ғами билан овора! Муҳаббат кўчасига кирмаган, «Қайда бўлсанг сен билан севгим яшар ёр-ёр» деб қўшиқ айтмаган бағри бутун борми кўҳна дунёда?!

Ҳижрон юрагимни ўртайди... Қайда бўлсанг ҳам мен ва дилбандларинг бахтига соғ-омон бўл, азизим!

МОҲИНУР

Спорт

ТАШАББУС СЎНМАСИН

Ёшларнинг маънан етук, жисмонан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида келажагимиз ворисларига қанот бўлаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг туманлардаги бўлимлари катта роль ўйнамоқда.

Куни кеча Миробод туманидаги «Сарикўл» маҳалласида ёшлар иштирокида спортнинг бир нечта турлари бўйича уюштирилган мусобақалар Обод маҳалла йилига бағишланди. Қувонарли жиҳати шундаки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши ташаббуси билан унда оилавий жамоалар ҳам иштирок этишиб ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Спортнинг бир нечта турлари бўйича байрам руҳида уюштирилган ушбу турнир якунида ғолибларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими таъсис этган эсдалик совғалари туҳфа этилди.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Юртимизда фаолият кўрсатаётган «Роксана» савдо белгиси ташаббуси билан Чимён тоғ қўйнида дам олувчилар учун қишки спорт ўйинлари ташкиллаштирилди. Унда иштирок этган 2000 нафар ҳаваскор спортчилар чанғида учишди, мерганлик бобида қандай маҳоратга эга эканликларини синаб кўришди. Жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш мақсадида уюштирилган ушбу тадбир қатнашчиларига мутасаддилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

БАХТИЁР «РОСТСЕЛЬМАШ»ДА

Футбол жамоалари ўртасида янги мавсум бошланиши олдидан футболчиларни трансфер қилиш авжига чиққан айни кунларда «Пахтакор» жамоасининг моҳир ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Бахтиёр Ашурматовнинг Россияга кетганлиги маълум қилинди. Ҳаммага гап шундаки, Бахтиёр жорий йилги мавсумни Россиянинг «Ростсельмаш» таркибида ўтказади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

24 февралда:

◆ Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Ўзбекфильм»нинг янги маҳсулоти «Нотаниш полвон» бадиий фильми соат 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00 да намойиш этилади.

◆ Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида Н. Қобул асари «На малакман, на фариште» спектаклининг премьераси соат 18.00 да бошланади.

25 февралда:

◆ Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида А. Икромовнинг «Амир Темур» операси соат 18.00 да намойиш этилади.

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида У. Азим асари «Бир қадам йўл» спектакли соат 18.00 да бошланади.

26 февралда:

◆ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Икки мўъжиза» спектакли премьераси соат 14.00 да намойиш қилинади.

◆ Ўзбек Давлат цирки Европцирк супершоу дастурини намойиш этади. Унда ҳаво гимнастлари, кучуклар марафони, айиқлар, маймунлар, бўғма илонлар, бенгал йўлбарсининг турли хил ўйинлари кўрсатилади. Томошалар соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

27 февралда:

◆ Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида Х. Хурсандов асари «Топталган туйғу» спектакли соат 18.00 да бошланади.

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида У. Азим асари «Кундузсиз кечалар» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

◆ Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида «Ўрик гуллаганда» спектакли соат 14.00 да намойиш қилинади.

28 февралда:

◆ Алишер Навоий номидаги Санъат саройида 28 февралдан 3 мартгача «Обид-А» театри ва замин юлдузлари иштирокида «Сен азиз ва муқаддассан аёл» деб номланган катта байрам дастури соат 19.00 да бошланади.

◆ Республика қўғирчоқ театрида «Қувноқ томоша» соат 11.00, 12.00 да бошланади.

1 мартда:

◆ Шаҳримиздаги замонавий санъат марказида Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб рассомнинг шахсий кўргазмаси намойиш этилмоқда.

◆ Ўзбекистон ёшлар театрида «Умар Ҳайём юлдузлари буржи» спектакли соат 16.00 да бошланади.

2 мартда:

◆ «Қозоғистон» кинотеатрида янги премьера «Жосуслар болалари» бадиий фильми соат 12.00 ва 17.00 да ҳамда «Саккиз миля» мусиқали бадиий фильми (Америка фильмлари) соат 14.30, 19.30 да намойиш этилади.

◆ Республика Киночилар уйида «Мафтункор севги» бадиий фильми соат 12.30 ва 18.00 да, «Лаънатланган йўл» бадиий фильми эса 15.00, 20.00 да бошланади.

• ТУРФА ОЛАМ

ТУШГА КИРМАГАН САЁҲАТ

Аҳли жаҳонни ҳайратда қолдириш қийин албатта, лекин йўлини топса бўлади. Франциялик Реми Брик ортиқча шов-шувсиз тинчгина Лос-Анжелос шаҳридан Тинч океани узра Австралиянинг Сидней шаҳрига йўл олди. У оёғига каноэни эслатадиган чана кийди, қўлига эса енгилгина эшкак олди, белига катамаранни боғлади ва ўзига оқ йўл тилаб уммон сатҳи узра юриб кетди. Катамаранга озиқ-овқат, асбоб-анжомлар, хуллас, жаҳонгашта сайёҳнинг кундалик нима керак бўлса ҳаммасини жойлади. Шунингдек, катамаран сайёҳ чарчаганда дам оладиган жой вазифасини бажаради. У Лос-Анжелосдан Сиднейгача уммон узра 12,5 минг километр масофани босиб ўтиши керак. Реми Брикнинг таъкидлашича, агар у кунига 14 соатдан юрса ярим йилда манзилга етиб келади.

50 ёшли Реми Брик учун бундай саёҳат янгилик эмас. У 1988 йилда ҳам Атлантика океанидан Канар оролларигача бўлган сув йўлини 40 кун давомида босиб ўтганди. Ушбу саёҳат унинг «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олиши учун кифоя қилган эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Реми Брикнинг саёҳати бошланган пайтда Тинч Океандаги шароит Атлантика океанига қараганда анча оғир бўлади. Тўлқин ва кучли оқимнинг тезлиги соатига 100 километрни ташкил этади. Шундай бўлсада қўрқмас Реми Брик журъат билан океан узра одим ташлаб уфқ бағрига сингиб кетди.

АБАДИЙ МУЗЛИКЛАР ҚАЪРИДАН ТОПИЛДИ

Германия шимолидаги абадий музликлар билан қопланган Тирол тоғида бундан 5300 йил илгари яшаган одамнинг мурдаси топилди. Мурда қора қимматбаҳо мумга ўралган эди.

Патолог Эдуард Эгартер ва ҳамкасблари ушбу топилма устида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Тадқиқот натижалари шуни кўсатдики, мурданинг бўйи 1,61 метр, оғирлиги 40 килограмм бўлган экан. Тадқиқотчилар музлатилган мурдани 10 даражали илиқликка келтириш учун икки соат вақт сарфладилар. Эриган мурда устида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, қадимий аждодлар уни абадий музлатиш санъатини жуда яхши билган эканлар.

Мурда махсус текширувдан ўтказилганда, унинг мутлақо соғлом бўлгани, фақат тиши баъзида оғриб тургани маълум бўлди. Энг қизиғи, мурданинг эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш жуда қийин кечмоқда. Ҳозирча тадқиқотчилар унинг юз тузилиши, шунингдек, ёнидан топилган тақинчоқларни ўрганиб чиқиб, мурда эркак бўлган, деб тахмин қилишмоқда. Мамлакатдаги Инсбург университети олимлари эса топилмани асрлар оша бус-бутун сақлаганига асл сабаб унинг ҳеч бир жинсга мансуб бўлмаганидадир, демоқда.

Ҳозирча мурданинг ким бўлгани ва у қандай қилиб энг замонавий усулга яқин даражада музлатилгани сирлигича қолмоқда.

Оқнор ҲАЗРАТОВ тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар

ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Кафедра мудири (профессор ёки доцент);
Хореография.
2. Профессор, доцент, фан номзоди:
Тарихий-маиший рақсдан дарс бериш назарияси ва услуби.
Замонавий рақсдан дарс бериш назарияси ва услуби.
Жаҳон ва ўзбек хореография тарихи ва назарияси.
3. Катта ўқитувчи:
Режиссура асослари ва актёрлик маҳорати (хореография йўналиши бўйича).

Ҳужжатларни (ариза, шахсий варақа расм билан, илмий даража, илмий унвон ва маълумоти ҳақидаги дипломлар нусхалари, илмий ишлар рўйхати) қуйидаги манзилга тақдим этиш мумкин:

700031, Тошкент-31, Юнуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31, телефонлар: 56-33-27, 56-33-59, 56-37-06, факс: 152-22-29.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи»нинг филиали «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси қуйидаги асбоб-анжомларни етказиб бериш юзасидан

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Қуввати 180 ватт бўлган, бир дақиқада 2750 марта айланувчи 19 дона 4АА56 русумли электр двигателлари.
2. 4 дона редукторли ЭРВ 49 вентилятори.
3. 4АА56 электр двигателларига 14 дона ярим муфталар.

Таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш бўйича Т. Шевченко кўчаси, 17-уйда жойлашган «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» бошқармасига мурожаат қилинг.
Телефонлар: 41-09-00, 55-77-17, факс: 132-15-15.

Тошкент банк коллежи жамоаси маънавий-маърифий ишлар бўйича коллеж директори ўринбосари Розия Мингазизовна Гимушга қайнонаси

Фарида ИСАНБАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-108. Топширилди 12.45 1 2 3 4 5 6